Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 48 (8538). ● 7 март, 1985 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

**КПСС XXVII СЪЕЗДИ ВА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА**

СТАХАНОВЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

## ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

ЧИРЧИҚДАГИ «Химзашчита» монтаж бошқармасининг В. Толстой бошчилигидаги бригадаси азаматлари Советларга сайловлар арафасида уч ойлик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Бу илғор бригаданинг навбатдаги меҳнат ютуғи эди.

Бундан бир неча ой аввал коллектив 1986 йил ҳисобига ишлаётганлигини маълум қилган эди. Шундан сўнг ўз имкониятларини қайта кўриб чиққан футировкачилар советларга сайловлар кунига қадар яна уч ойлик ҳажмида иш бажаришга сўз беришди. Сўзи билан иши бир монтажчилар бу ваъдаларини ҳам шараф билан адо этиб, эндиликда янги марралар сари интилмоқдалар.

Бригаданинг ҳар бир аъзоси хомашё ва материаллардан омилкорлик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Ҳамма гап шундаки, улар стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллик кунига қадар икки кун тежалган хомашё ва ресурслар ҳисобига ишлаб беришга қарор қилишган. Шу муносабат билан бригаданинг иқтисод фонди очилди. Ҳозиргача тежаб қолинган хомашё ва ресурсларнинг ўзи икки кун ишлаш учун кетадиган ҳажмдаги материалнинг деярли ярмини ташкил этади.

# ПИЛЛАКОРЛАР, ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ!

### ПИЛЛА ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ 1984 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ОБЛАСТЬ партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети шуни қайд қиладиларки, областимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пиллачиликни ривожлантириш юзасидан катта ютуқларга эришдилар.

1984 йилда область пиллакорлари 2446 тонна пилла етиштирдилар, бу 1983 йилга нисбатан 88 тонна кўпдир. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 76,4 килограммдан пилла олинди. Давлатга топширилган ҳосилнинг 83,8 проценти навли пилла бўлиб, анча кўп миқдорда ипак олишга эришилди.

Тошкент, Бекобод, Чиноз, Ғалаба, Калинин ва Оржоникидзе районларининг пиллакорлари пилла етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга катта ҳисса қўшдилар.

Социалистик мусобақада Чиноз районидаги Охунбобоев номли, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Калинин районидаги «Москва» колхозлари, шу райондаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози, Бекобод районидаги «Победа» колхози, Ойбек номли ва «Ленинград» совхозлари, Паркент районидаги «Паркент» ҳамда «Прогресс» совхозлари, Ғалаба районидаги Калинин номли совхоз, Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозлари юқори кўрсаткичларга эришиб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар, ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари, 4 йилда уддаладилар.

Областимизнинг пилладан юқори ҳосил олиш ва ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш ташаббуси билан чиққан Калинин районидаги «Москва» колхозидан Маҳсума Одилова, Бекобод районидаги Ленин номли колхоздан Сафар Усмонов, Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Нина Грачева, Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоздан Вазифа Қорабоева, Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозидан Очил Соипова, Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозидан Шарофат Душабоева, Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли совхоздан Ҳанифа Ғуломова, Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозидан Мави Осмонова, Паркент районидаги «Ленинобод» совхозидан Тинжи Ёрова ўртоқлар бошчилик қилаётган бригада ва звено коллективлари зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Ўн биринчи беш йиллик планларини тўрт йилда адо этдилар.

Лекин шу билан бирга баъзи хўжаликлар пилла тайёрлаш планларининг бажарилишини таъминламадилар. Натижада, давлатга 22 тоннадан зиёд пилла кам сотилди. Айниқса, Бўстонлиқ районидаги «Қизил ту», «Ленинград», Пискент районидаги «Гулистон», Тельман номли, Свердлов номли, Бўка районидаги «Коммунизм», Мичурин номли, Жамбул номли, Фрунзе номли колхозларда, шу райондаги «Гулистон» ва «Кремль» совхозларида, Оҳангарон районидаги «Тошкент от заводи» ва «Олмалиқ», Коммунистик районидаги У. Юсупов номли совхозларда, Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозида белгиланган топшириқларни бажаришда камчиликларга йўл қўйилди.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети область пиллакорлари ўртасидаги 1984 йилги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

**Бекобод районига** (район партия комитетининг секретари Хатамов, район ижроия комитетининг раиси Пирнафасов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Қодиров, район комсомол комитетининг секретари Шукуралиев, бош пилла қуритиш идорасининг директори Султонов ўртоқлар). Бу районда пилла тайёрлаш йиллик плани 118,4 процент бажарилган. Ҳар қути қурт уруғидан 85,3 килограммдан пилла олишга эришилган, бу ҳосилнинг 82,3 проценти навли пилла бўлиб, улардан энг кўп миқдорда ипак олишга эришилди.

Байроқ Тошкент районидан олиб берилади.

**Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозга** (колхоз раиси Азимов, партия ташкилотининг секретари Умаров, касаба союз комитетининг раиси Абдурашидов, комсомол комитетининг секретари Усмонқулова, пиллачилик агротехниги Эшназаров ўртоқлар). Бу колхозда пилла тайёрлаш йиллик плани 132 процентга бажарилган. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 92 килограммдан пилла олинган. Давлатга топширилган ҳосилнинг 90,7 проценти юқори навлидир.

Байроқ Калинин районидаги «Москва» колхозидан олиб берилади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бекобод районидаги Ойбек номли совхозда** (директори Убайдуллаев, партия комитетининг секретари Субонов, касаба союз комитетининг раиси Қамбаров, комсомол комитетининг секретари Ботиров, пиллачилик агротехниги Валиев ўртоқлар) қолдирилди. Бу совхозда пилла тайёрлаш йиллик плани 145,7 процентга бажарилган, ҳар қути қурт уруғидан 93,5 килограммдан пилла олинган, давлатга топширилган ҳосилнинг 83 проценти юқори навлидир.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент районидаги «Тошкент» совхозига** (директори Тўхтабоев, партия комитетининг секретари Усмонов, касаба союз комитетининг раиси Талаев, комсомол комитетининг секретари Усмонов, пиллачилик агротехниги Ёқубжонов ўртоқлар) берилди. Бу совхозда пилла тайёрлаш йиллик плани 117,3 процентга бажарилган. Ҳар қути қурт уруғидан 86,4 килограммдан пилла олинган. Давлатга топширилган ҳосилнинг 91,9 проценти юқори навлидир.

Байроқ Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига илғор пиллакорларга сотиш учун 22 та енгил автомашина ажратиш топширилди.

Район партия комитетларига, район ижроия комитетларига, область касаба союзлари Советига, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ва пиллачилик бошқармаларига, область мева-сабзавот маҳсулотлари агросаноат бирлашмасига, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитетига, хўжаликларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларига районларда, хўжаликларда пиллакорлар ўртасидаги ташкил этилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиш, қолоқ хўжаликлар ва бригадаларда пиллачиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур тадбирлар белгилаш топширилди.

# ҲАММА РЕЗЕРВЛАР ИШГА СОЛИНСИН

НАМАНГАН, 6 март. (ЎзТАГ). Наманган областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўтган йили пахта ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа кўп турдаги маҳсулотларини етиштириш ва реализация қилиш топшириқларини муваффақиятли бажардилар, аммо ҳали бу ерда кўпгина фойдаланилмай ётган резервлар борки, уларни омилкорлик билан ишга солиб, агросаноат комплексининг ҳамма тармоқларида янги марраларга эришиш мумкин. Область қишлоқ хўжалиги ходимларининг бугун бўлиб ўтган кенгашида мана шулар ҳақида амалий равишда гаплашиб олинди. Кенгаш ишида қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари билан бирга партия, совет ходимлари, олимлар қатнашишди. Кенгашда наманганликлар билан мусобақадош республика бошқа областларининг ҳамда Қирғизистон ССР — Ўш областининг намояндалари ҳам иштирок этдилар.

Область агросаноат комплексининг 1984 йилги фаолияти якунлари ва беш йилликнинг тугалловчи йили вазифалари ҳақида Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов доклад қилди. Докладчи ва сўзга чиққан кишилар КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг талаблари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсиялар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари асосида колхоз ва совхозлардаги ишларнинг аҳволини атрофлича таҳлил этдилар.

Бош вазифа ҳар бир меҳнатчига ишдаги муваффақият аввало оби ҳаво шароитларига эмас, балки ердан, техникадан, барча мавжуд моддий ресурслардан самарали фойдаланиш маҳоратига боғлиқлигини равшан тушунтириб беришдан иборат эканлиги таъкидланди. Қолоқ участкаларни илғорлар даражасига тезроқ кўтариш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, экинзорларни ва топширилаётган маҳсулотни ҳисобга олишни пухта йўлга қўйиш лозим. Ҳамма жойда бригада ва звено пудратига ўтиш, алмашлаб экишни жорий қилишга, деҳқончилик маданиятини оширишга оид топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш керак.

Шу кунларда, деб таъкидлашди нотиқлар, айрим районлар ва хўжаликларда кўкламги тайёргарлик соҳасида йўл қўйилган қолоқликни тугатиш айниқса муҳимдир. Бир қанча колхоз ва совхозларда техника ремонти ҳамон тугалланганича йўқ, ерларни тайёрлаш, маҳаллий ўғит ғамлаш ишлари бўшаштириб юборилган. Кузда шудгор қилинмай қолган яна 26,5 минг гектар ерни жуда яқин кунлар ичида ҳайдаш, тупроқдаги мавжуд кўп миқдордаги намни имкони борича сақлаб қолиш лозим.

Кўкламни шайланиб кутиб олиш, чигит ва бошқа экинлар уруғини қисқа муддатларда ва жуда юксак савияда экиш — деҳқонларнинг энг муҳим вазифасидир.

Областда чорвачиликни ривожлантириш соҳасида эришилган муайян силжишларга қарамай, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бу муҳим тармоғида ҳам фойдаланилмай ётган резервлар кўплиги уқтирилди. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, илғор чорвадорларнинг тажрибасини кенг жорий этиш зарур.

Кенгаш қатнашчилари сабзавот, мева, узум, боғ ва пайкалларнинг бошқа маҳсулотини етиштиришни янада кўпайтириш ва сифатини ошириш йўлларини белгиладилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Наманган область қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг 1985 йилги юксак мажбуриятлари қабул қилинди. Область колхозчилари, совхоз ишчилари, барча деҳқонлари ва чорвадорлари КПСС XXVII съездини, Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирилди.

* * *

Шу куни И. Б. Усмонхўжаев Наманган областига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғини топширди. Область Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, 1984 йилги иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажарганлиги учун шу мукофот билан тақдирланган эди.

# Баҳорни қаршилаб

**ЎРТА ЧИРЧИҚ. (Ўз мухбиримиздан).** Баҳор нафаси эсиб қолди. Ҳадемай далаларда кўкламги юмушлар, экин-тикин ишлари бошлаб юборилади. Тадбиркор, уста деҳқонларнинг таъбири билан айтганда кузги-қишки тадбирларни ўз муддатида, сифатли ўтказган деҳқон янада баракали хирмон уяди. Шунинг учун айни кунларда мўл ҳосилга мустаҳкам замин ҳозирлаб қўйиш керак. «Ленин йўли» колхози деҳқонлари ана шундай иш тутишмоқда.

Хўжаликда бўлсангиз далага олиб борувчи йўлларда маҳаллий ўғит ортган транспорт тракторларини учратасиз, бир томонда колхозчилар суғориш шохобчаларини мавсумга ҳозирлашмоқда. Яна бир томонда механизмлар ерларни капитал ва жорий текислаётир.

Колхознинг марказий ремонт устахонасида ҳам иш қизғин. Ремонтчилар, механизаторлар ўзаро мусобақалашиб, меҳнат қилишяпти.

Бу ерда яхши анъана бор. Дала ишлари тугадими, дарҳол бўшаган техника ва механизмлар ремонтига киришилади. Шунинг учун ҳамма турдаги машина ва механизмлар ўз вақтида ишга шай ҳолда туради.

— Йилнинг дастлабки ютуғи техника ремонтидан бошланади,— дейди колхоз раиси Қ. Соттибоев.— Чунки техника сифатли ремонт қилинса, тўхтовсиз ишлатилади. Демак, уруғлик ўз муддатида экилади. Шунингдек, бошқа агротехник тадбирлар ҳам эрта бошланади.

1984 йилда колхоз пахтакорлари 1582 гектар ернинг ҳар гектаридан 35,4 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга топширилди. Заршуносларнинг ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилидаги марралари янада катта. Улар ҳосилдорликни 36 центнерга етказишмоқчи. Бунинг учун барча имкониятлар, резервлар ишга солинмоқда.

40 та чигит экиш сеялкаси ва транспорт трактори тайёрлик чизиғига келтирилган. Борона, чизель, ҳайдов тракторлари, пахта териш машиналари, дон ўриш комбайнлари, каноп ўриш агрегатлари ҳам мавсумга тахт қилинган. Бу техника воситалари сифат комиссияси томонидан кўрикдан ўтказилди.

Дала ишлари хўжаликнинг Жумали Чехалидзе, Анорбой Усмонов, Рустам Жайловов сингари тажрибали пахтакорлар бошчилик қилаётган бригадаларда айниқса сифатли ўтказилмоқда. Бу коллективлар 1985 йилда ҳар гектар ердан 40—45 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилган.

# БАЙРОҚЛАР ТОПШИРИЛДИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Алмаликсвинецстрой» қурилиш трестининг коллективи Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, 1984 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планини муваффақиятли бажарганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғи билан мукофотланган эди. Бу коллектив СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади.

5 март куни трест меҳнатчиларининг йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Г. Духанин коллективга байроқни топширди.

* * *

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, 1984 йилги иқтисодий ва социал ривожлантириш планини муваффақиятли бажарганлиги учун Тошкент область Бекобод райони КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғига сазовор бўлган эди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров 5 март куни бўлиб ўтган тантанали йиғилишда районга байроқни топширди.

(ЎзТАГ).



Суратларда: хўжаликнинг илғор звено бошлиғи Ҳабибулла Усмонов (ўртада). Ўтган йили у етакчилик қилаётган звено аъзолари гектаридан 40,3 центнердан «оқ олтин» олишди. Бу йилги марралари 45 центнер. Ҳ. Усмонов колхозда биринчи бўлиб ўзига қарашли техникани сифатли ремонтдан чиқарди: тайёрлик чизиғига келтирилган машина ва механизмлар.

А. Абалян фотолари.

ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ АМАЛДА

# ЯНГИ ШАРОИТДА

ЯНГИЙЎЛДАГИ қишлоқ хўжалик деталлари тажриба-экспериментал заводи коллективи ўн биринчи беш йиллик якунловчи йилининг дастлабки ойидан янги шароитларда меҳнат қилмоқда. Корхонада иқтисодий эксперимент иш асоси қилиб олинди. Бу коллективнинг ўз меҳнат натижасига бўлган масъулиятини янада кучайтирди. Чунки эндиликда улар буюртмалар шартномада белгиланган муддатларда қанчалик тўла ва сифатли қилиб бажарилса, шунча кўп моддий манфаат кўрадилар.

Шунинг учун ҳам завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари иқтисодий эксперимент имкониятларидан оқилона фойдаланишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Барча цехлар ва участкаларда, иш жойларида меҳнат интизоми янада мустаҳкамланди.

Шундай тадбирлар туфайли коллектив меҳнат кўрсаткичи дастлабки ойлардаёқ юқори бўлмоқда. Январь ойи маҳсулот реализация қилиш плани ортиғи билан адо этилди. Буюртмалар вақтида тайёрланди. Барча мижозлар ўз маҳсулотларини белгиланган муддатларда олдилар. Айримларига барвақт ҳам етказиб берилди. Натижада ойлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш плани 101,2 процент қилиб бажарилди. Унинг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ортиши 13,4 процентни ташкил этди.

Корхонада муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланган меҳнат унумдорлиги ҳам муттасил юксалиб бормоқда. Коллектив бу йил зиммасига олган социалистик мажбуриятида унумдорликни пландагига қўшимча ками билан бир процент оширишга аҳд қилган эди. Ишчилар ўз ваъдаларининг устидан чиқишяпти.

Шу кунларда корхона коллективи қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун социалистик мусобақани янада авж олдирмоқда. КПССнинг навбатдаги XXVII съездини, совет халқи Улуғ Ватан урушида эришган жаҳоншумул тарихий Ғалабасининг 40 йиллигини ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат-шижоат билан ишламоқда.

М. МАҲМУДОВ.

# БОЛАЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИНИ ЯХШИ УЮШТИРГАНЛИКЛАРИ УЧУН

ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ўтган йили болалар ва ўсмирларнинг ёзги дам олиши якунларини кўриб чиқдилар. Бу масала бўйича қабул қилинган қарорда таъкидланганидек, касаба союз, совет, комсомол, хўжалик ташкилотлари партия органлари раҳбарлигида умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини маъқуллаган КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, ўтган йили пионер ва ўқувчиларни соғломлаштириш ва дам олишини уюштириш масалаларига катта эътибор бердилар.

Ёзда мамлакат бўйича 80 мингга яқин пионер ва бошқа соғломлаштириш лагерлари ишлади. Уларда 16,2 миллион бола ва ўсмир дам олди.

Саноат корхоналари, муассасалар, колхоз ва совхозларнинг меҳнат коллективлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари лагерларда соғломлаштириш ва тарбиявий ишларни ҳар томонлама кучайтириш юзасидан зарур шарт-шароитларни яратиб бердилар.

1984 йилда болалар ва ўсмирларнинг ёзги дам олишини намунали ташкил этиш бўйича республика, ўлка ва область касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришган Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғи ҳамда 10 минг сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирландилар.

Ўқувчиларнинг дам олишларини намунали ташкил этиш ва уларни ҳар томонлама камол топтириш юзасидан актив иш олиб борган 155 та корхона, ташкилот, хўжалик, шу жумладан В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг дипломлари билан мукофотландилар.

